Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши
31 ДЕКАБРЬ 1967 й
ЯКШАНБА
№ 304 (459)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ КУТЛУГ БУЛСИН!



«ЗАФАР ТИЛАЙМАН»

Шу кунларда кўпгина мамлакатларнинг мутахассислари шаҳримизда меҳмон бўлиб турибди. Улар янги йил дастурхонидан давра олиб шодлигимизга қўшилишади.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида дарс бераётган Хиндистонлик профессор Фаруқий, шаҳримизда янги уйсозлик комбинати қурилишида қатнашаётган Франциялик инженерлар Тесъе ва Мартин жаноблари ва бошқалар янги 1968 йилни шу ерда нутиб олишадиган бўлишди.

Франциялик инженер Мартин мухбиримизга бундай деди:

— Янги йил байрамингиз муборак бўлсин, азиз тошкентликлар. Сизнинг байрамингиз бизнинг ҳам байрамимиз. Шаҳрингизга совға қилмоқчи бўлган комбинат тайёр бўлди. Келгусида Тошкент бунёдкорларига зафарлар тилайман.

● САКСОН ОТА МЕҲМОН КУТАДИ

ФАЙЗЛИ ОҚШОМ

Азиз ҳамшаҳарларим!

Нуридийдаларим. Қаранг, чор-атрофингизга бир разм солинг! Ажойиб, нурли оқшом бўляпти бу кеч. Шаҳрим кўчаларининг билур маржони, деразалардан ловуллаган нур кўнгилга ўзгача бир завқ бахш этяпти.

Дуогўй отахон, онахонларингизнинг нуроний чеҳрасидаги шодликни безатилган арча атрофида шодон ўйнаётган думбоқчаларнинг кўзидаги қувончни кўряпсизми? Байрамнинг ўзи ширин, ўзидан арафаси ширин бўлади. Бугун дўконлардан энг охирги харидни қилган киши ҳам, узоқда қолган жуфти ҳалолининг табрик хатини олган қурувчи ҳам, хозиргина жомакорини ечиб, уйга —бола-чақалари атрофига шошилаётган ишчи ҳам эртага топшириши керак бўлган имтиҳон ташвишларини бир зум унутиб, байрам кайфиятига берилган доирлфунун талабаси ҳам — ҳамма ягона бир қувонч — байрам қувончи билан маст.

Кўплар қайтарган, яна кўплар қайтарадиган бир гапни мен ҳам айтаман. Негаки, бу—бузилмас ҳақиқат: киши янги йилни кутаётганида чекмиш йилни албатта ўйлайди. Шунда унинг кўнглини сўз билан айтиб бериш ниҳоятда мушкул бўлган ширин бир дард чулғаб олади. Бу—умрнинг ўтаётганидан орзиқиш туйғуси билан эртанги кун қувончининг қўшилиб кетишимикин...

Чиндан ҳам бир йил ўтди. Ўтган йил баракали бўлди. Жонажон Совет давлатининг олтин тўйи файзли келди. Меҳнаткаш ўзбек деҳқони пахтанинг каттакон ойдин хирмонини йиғиб олди. Йиллик режасини муддатидан анча илгари ўринлатиб қўйган ўзбек ишчиси ўзининг қадоқ кўллари билан олам-олам машиналар яратди. Халқимиз олимлари ақл бовар қилмайдиган ажойиб янгиликлар яратди.

Кўҳна, абадий навқирон шаҳримизнинг турли чеккаларида янги-янги осмонўпар бинолар қад кўтарди. Булгур худди шу куни эндигина пойдевор қавланаётган жойларда бугун ҳовли тўйлари бўляпти.

Қаранг, булгур ҳар куни бир эмас етмиштадан ҳовли тўйи ўтиб гурди! 26 минг 100 оила янги уйларга кўчиб кирди.

Ҳа, зилзиладан мункиб кетган азим Тошкент чангини қоқиб, қаддини кўтарди. Бугунги байрам дастурхони атрофида роса юз миллат ўғил-қизи ўтирибди. Булар Тошкентни бунёд этиш ниятида ўз иссиқ ўрнини тарк этиб келган қардош халқ болалари бўлади. Улар бир йил ичида 450 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой, 5 мактаб, 12 болалар богчаси қуриб беришди.

Утган йил баракали бўлди. Келгуси йил режалари яна ҳам улкан. Тошкент—мамлакатимизнинг энг катта, энг дилбар шаҳарларидан бири бўлиши керак. Партия-ҳукуматимизнинг режаси шу.

Келгуси йил шаҳримиз гулгун яшнаши учун 151,7 миллион сўм капитал маблағ ажратилди. Турар жой бинолари қурилишига 93 миллион, коммунал қурилишига салкам 30 миллион шаҳар, электр тармоқларига салкам 7 миллион сўм сарфланади. Бу—шаҳримизда янгидан-янги корхоналар, нурхоналар, уй-жойлар бунёд бўлади деган сўз.

Янги йилда маиший хизмат кўрсатувчи янги муассасалар, мактаблар қурилади. Янги трамвай-троллейбус йўллари бунёд этилади.

Шаҳар киракаш транспорти йил давомида 517 миллион йўловчини ташийди. 40,5 минг оилада зангори олов ёнади. Сиз, нуридийдаларим янгидан-янги истироҳат хиёбонларида, ошхона ва қаҳвахоналарда хордиқ чиқарасиз.

Режалар улкан. Ният пок бўлса, кишининг иши ҳам юришаверади. Келинг, энг покиза ниятлар билан ўзбек дастурхони атрофига ўтиринг. Майли, бугун рухсат бераман. Байрам куни оз-оздан шароб ичиб, гулгун чеҳрангизда ўт ловулласин.

Байрам оқшомида «Оқшом» ҳам сизларни ўз дастурхонига таклиф этяпти. Дастурхон — газетамиз саҳифалари.

Марҳамат, дастурхонимиз сизга мунтазир.

САКСОН ОТА.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЯНГИ ЙИЛНИ ҚУТЛАБ

Янги йил кирмоқда,
Субҳи содиқнинг
Майин жилвалари яйратар кўзни.
Кўрки, салобати бўлиб бордиқнинг
Уфқда порлайди тонгим юлдузи.
Ватан, кенгликлари устидан сузиб
Хонаю қалбимга оқиб кирар у.
Янгича орзулар жилва кўргизиб,
Конларда югурар навқирон туйғу.
Эски йилим билан хандон
хушлашдим,
Унинг зийнатларин дилга этиб
нақш.
Умрим йўлларида зўр довон ошдим
У менга юксалиш, парвоз этди
бахш.
Пахта хирмонларим кўзим ўнгида
Оппоқ шуъла сочиб, тоғдай
ярқирар.
Нефтиқор уйғотиб инсон кўнглида
Янги чўққиларга дадил чақирар.
Заҳоро, оғринай, безаган офтоб
Она-Ватан бўйлаб йўллар тафтини.
Бугун ўтган йилни қилиб сарҳисоб
Қўшиққа чулғаймиз мардлар
забтини.
Бу йилда асрлар иши бўлди ҳал,
Зилол каналларда мавж урди ҳаёт.
Дашт узра баҳорлар кўргизди
амал,
Шаҳарлар юксалди, қишлоқлар
обод.
Октябрни жондан қутлади жаҳон,
Ёркинроқ порлади гоямиз нури,
Венера саҳнида бўлдик биз
меҳмон—
Бу — совет кишисин зеҳн,
тафаккури!
Китоблар ёзилди, очилди йўллар,
Адирни тўлдирди чорва суруви
Мўъжиза яратди меҳнаткаш
қўллар,
Водийларда кезди зафар сурури.
Аму бўйларида, Сир ёқасида
Пахтазор чайқалди ҳосилдан
тошиб.
Табиат ҳуружи, дағдағаси-да
Кучимиз олдида қолди адашиб.
Чаноқда етилган ҳар бир толанинг
Дурдай товланиши меҳнатнинг
тери.
Жавоҳир сандиқдай бағрин очди
кенг
Пахтакор ўзбекнинг азамат ери.
Боғларимиз шигил мева боғлади,
Полизлар бўйидан маст бўлди
борлиқ.
Кўзни қамаштирган пахта тоғлари
Машина завқи-ла бўлгандир
боғлиқ.
Янги йил тонгини қаршилаб мамнун,
Янги уфқларга ёзамиз қулоч.
Салом, бошланажак янги порлоқ
кун,
Салом, меҳр билан нурланган
қуёш!

ҒАЛАБА САТРЛАРИ

«Главташкентстрой»га қарашли кўпгина трестлар ва бошқармаларнинг коллективлари йиллик план топшириқларини адо этилганлиги ҳақида қатор ғалаба рапортларни бердилар.

1-пардозлаш трестининг аҳли 6 миллион 865 минг сўмлик ишларни бажариш билан йиллик планни адо этди. Кўпгина бинолар пардоздан сифатли чиқарилди. Трест пардозчилари беш йиллик топшириғини 1970 йилнинг 7 ноябригача бажаришга бел боғлади.

* * *

2-автопарк аъзоларининг бу йилги меҳнати жуда баракали бўлди. Турли манзилларга 2 миллион 121 минг тонна зарур қурилиш материаллари етказиб берилди

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ

Мамлакатнинг тўртта йирик шаҳри — Москва, Ленинград, Киев ва Тбилисида метрополитен қатнови йўлга қўйилган. Шундай метрополитен Тошкентда ҳам қурилади. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Тошкентда метрополитен қуриш ва уни лойиҳалаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ҳозир метрополитен қурилиши учун участка ажратилди. Бу тезюрар транспорт дастлабки линиясининг трассаси узунлиги 22 километрни ташкил қилиб, жануб-шарқ томондан шаҳар маркази бўйлаб шимол-шарқ томонга ўтади. Трассанинг бошланиш жойи Домробод (Чилонзор), сўнгра бу ер ости йўли Халқлар дўстлиги проспекти бўйлаб ўтиб (лойиҳанинг иккинчи вариантида Қатортол кўчаси бўйлаб ўтади) Фарҳод, Муқимий, Комсомол майдони, «Пахтакор» стадионида бекатлари бўлади. Метро трассаси стадиондан Пушкин кўчасига қайилади, Салор районида темир йўлни кесиб ўтиб консерва заводи яқинида Високовольт массивига чиқади, бу ердан «Ташавтомаш» заводи томон давом этади.

Бу лойиҳаларни тайёрлаётган «Ташгипротранс» лойиҳа институти топшириқни муддатидан беш кун илгари бажариб, асосий трасса ва йўлнинг иккинчи варианти бўйича инженерлик-геология қидирув ишлари комплексини тўла бажарди.

Станциялар ва ер юзидаги вестибюлларни жиҳозлашда миллий архитектура, иқлим шароити ва бошқа шароитлар ҳисобга олинади, миллий колоритга эга бўлган қурилиш материаллари кенг қўлланади. Метро станциялари қурилишида керамика ва нақшли плиталар, миллий орнаментлар, мармардан ишланган, гранит ва бошқа табиий тошлардан ясалган плиталар, пластмасса, ойна ва безак учун ишлатиладиган бошқа материаллардан фойдаланилади.

Шундай қилиб 13 та станцияга эга бўлган узунлиги 22 километрлик метрополитен биринчи линияси тошкентликлар учун шу беш йилликнинг ўзидаёқ дастлабки совға бўлади.

А. БОРОНИН.



ЧИРОҚЛАР...

Поёнсиз чўл кенгликларида сўқмоғидан адашган одам атрофдан нур қидиради. Қаерда аланга кўринса, ўшани мўлжал олиб олга интилади. Чунки аланга ёнида инсон бор, у ўт ёқиб нур таратиб ўтирипти.

Ҳа, ҳазрати Инсон доим ўз чироғи билан атрофини мунаввар қилади. Инсон ёруғлик билан эмас, ёруғлик инсон билан. Инсоният қуёшга қиёсланганида унинг ўзи билан доим нур олиб юриши, қадами етган жойни нурафшон, қўл солган майдонини чаманзор этиши бежиз эмас.

Пойтахтимиз осмонида, булутлар қатлами устида парвоз қилиб келаётган пўлат «қушлар» пастга шўнғиши билан қанотли йўловчилар ерга қарайди:

— Эҳа-а, ҳаммаёқ бижир-бижир чироқ-ку. Бу ерми ёки мен осмондаги юлдузларни кўряпманми, — дейди бировн.

— Бижир-бижир чироқ кўринган бўлса, Тошкентга етибмиз, — дейди бошқаси.

Ана шундай. Кеч кириши билан гўзал шаҳримиз кўчалари, хонадонларида миллион-миллион чироқлар ёнади. Сўлим Тошкент оқшомлари инсон қўли билан тартилаётган ана шу заррин нурлардан янада файзли, гаштли бўлиб кетади. Чироқлар оламига мафтун бўлиб, шаҳарга муҳаббатинг янада ошади, унда яшаган сайин яшагинг келади.

Бу ёруғ нуқталар минутлар сайин кўпаяверади. Олдинги миллион чироқларга кун сайин янгилари қўшилади. Чунки, шу қадар кўп оилалар янги уйларга кўчиб киришади, чунки шу қадар кўп янги кўчаларда янгидан ўрнатилган чироқлар ёнади. Чунки Тошкент янги уй-жой шаҳри, кунига ўнлаб ҳовли тўйлари ўтадиган шаҳар.

Сергели деган жойни илгари кўлар билмас эди. Чунки бу дала эди. Бугун ўша далалар ўрни чароғон осмон акс этган уммонни эслатади: бижир-бижир чироқлари кўз қамаштиради.

Ана шундай. Одамларимиз ҳадемай Сергели йўлдош шаҳрини қуришди-қўйишди.

«Партия XXI съезди» колхози қаердалигини илгари ким биларди. Негаки, у ерда одам кам эди-да. Бугун Янгиобод массивини сўрасангиз ҳар ким ҳам кўрсатиб қўяди. Бу ерда қад кўтарган турнақатор уйлар, турнақатор чироқлар — ҳаммаси янги.

«Октябрь» колхози ўрнида бунёд этилган массивчи. Бу янги даҳа энди пойтахтимиз осмонига ўз нурини абадий сочиб туради, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшади. Янги массивларда шунчалик кўп гурар жойлар қандай тез қуриб ташланганига ақл зўр базўр бовар қилади.

Илгари Қорақамишга борсангиз кўрқардингиз. Бу ерда бирор одам яшайдими, деб милт этган ёруғликни истардингиз. Бугун ўша ташландиқ Қорақамиш оқшомлари нурли, гаштли оқшомларга айланиб кетди. Чунки одамларимиз шуни исташди ва ўз қўллари билан уни ёритди-қўйишди.

Шаҳримиз чироқлари тобора чароғон бўла боради. Биргина шу йилнинг ўзида қилган ишларимизнинг айримларини бу гапга далил қилайлик.

Шайхонтовур атрофларининг кечасини бугунига тақосланг. У ерда барпо этилаётган кўпсонли хушҳашамат уй-жойлардан яна бештасида янги йил арафасида тошкентликлар чироқ ёқишди.

Марказий универмагнинг орқасидаги беш қаватли 13 та уй-жой бу йил ишга тушди. Келажакда Титов, Руставели, Шевченко, Ленин, Ўзбекистон кўчаларини қамраб олувчи «Марказ-7» микрорайонида яна 37 та ана шундай биноларнинг чироғи порлайди.

Яқин кунларда Чилонзор ва Оқтепа массивларида, «Марказ-2» да, Пушкин, Энгельс кўчаларида, Високовольт даҳасида ва бошқа жойларда ўнлаб кўп квартирали уйларда ҳовли тўйлари ўтди.

Ана шундай. Нурга-нур қўшиляпти, элга-эл.

Тошкентни дўстлик шаҳри дейдилар, гул шаҳри дейдилар, нур шаҳри дейдилар. Бунинг боиси бор.

Уни тағин ҳам обод қилиш учун бир йилда 26,8 миллион сўм маблағ сарфладик.

Шаҳримиз ижрокоми янги йил қурилиш ишлари учун 151 миллион сўм ажратди. Бу яна 16 минг квартира қурилади деган сўз, ўн минглаб чироқлар қўшилади деган сўз.

Ана шундай. Тошкентимиз тобора обод бўляпти, чароғбон, нурафшон бўляпти. Чунки Совет киши шуни истаяпти ва шундай қиляпти.

С. НОРМАТОВ.

ҲАММАСИ ЯНГИ

Тошкент маркаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки хорижий мамлакатларда ҳам кенг шуҳрат қозонди. Юбилей йилида пойтахтимиз саноатчилари шуҳратларига яна шуҳрат қўшиб, юзлаб турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар.

Қуйида пойтахтимиз саноат корхоналари коллективларининг ишлаб чиқаришда эришган янгиликларидан шингил хабарлар ўқийсиз.

✦ ✦ ✦

● Москвадаги Бутунитифоқ қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари кўргазмасида олтин медаль билан тақдирланган «Т-28-Х4» маркали трактордан 5 тасини тошкентлик тракторсозлар муваффақиятли синовдан ўтказишди. Янги йилдан бошлаб, 50 от кучига эга бўлган бу тракторлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланади.

● **Трактор-йиғув заводининг коллективи юбилей йилида механизаторларнинг фарзандларини янги маҳсулотлари билан ҳам мамнун этди. «С-Д» маркали спортролердан 3 минг 130 таси фарзандларимиз кувончига қувонч қўшди.**

● Юбилей йили «Қизил тонг» фирмаси коллективи учун ҳам қутлуғ бўлди. 28 та модель ишлаб чиқаришга жорий этилди. 62 минтга пальто савдо тармоқларига жўнатилди.

Янги йилда қизилтонгчилар Ватанимиз ва жаҳон янги модалари асосида 100 турда пальто тайёрлашни ўзлаштиришни кўзлаяптилар.

● **Республика модалар уйининг модельчилари эса кийим-кечакларнинг 700 дан ортиқ янги хилини яратдилар.**

● Уй-рўзғор холодильниклари заводи бу йилдан «ОАЗИС» маркали янги маркадаги холодильникларни ишлаб чиқара бошлади. Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароитига жуда мосланган бу холодильникдан келаси йили 45 мингта тайёрланади.

● **«Ташавтомаш» заводи ишлаб чиқараётган прицеплар сони 1967 йилда 31 минг тага етди.** Корхона коллективи яқин келажакда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Янги йилдан бошлаб эса ана шу тракторларга эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

● Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида 8 хилда янги маҳсулотлар ўзлаштирилди. Коллектив аъзолари тайёрлаган 140 минг та янги қўғирчоқлар эркатойларни жуда қувонтирди.

● **Пойтахтимиздаги 1-ва 2-пойафзал фабрикаларида эса маҳсулотнинг 100 дан ортиқ янги моделлари яратилди. Янги моделда тайёрланган пойафзаллар кўпчиликка манзур бўлди.**

● Тошкент тўқимачилик комбинатида эса газламалар босиладиган гулларнинг янги цехаларидан 82 таси ўзлаштирилди. «Рагозка», «Весенная», «Гулнора» деб аталувчи янги газламалардан эса юз минглаб метр ишлаб чиқарилди.

Тошкент экскаватор заводининг Новомосковская кўчасидаги 153-намунали болалар боғчасида кичкинтойлар учун Янги йил арчаси эрталиги тантанали ўтди. Боғчада тарбияланаётган 200 ишчи ва хизматчининг фарзанди Янги йил арчасини қувноқлик билан ўтказмоқда.

СУРАТДА: Янги йил арчаси эрталигида.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

Бизнинг интервью

Мухбиримиз шаҳар архитектураси бош бошқармасининг ўринбосари Ф. Турсунов билан суҳбатлашди.

— Аввал вазифамизни гапира қолай. Бу албатта диди юксак аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талабига муносиб бинолар қуришдан иборатдир.

Санъат саройи, Ленин майдонидаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон кўчасидаги маъмурий бинолар ана шундай бинолардан. Буни ҳаммангиз биласиз.

— Қани энди шаҳарга бир зумгина лойиҳачи кўзи билан боқиш мумкин бўлса...

— Ҳавасингиз келиши ўринли. Биз архитекторлар, лойиҳачилар шаҳар қиёфаси қандай бўлишини кўп йиллар олдиндан биламиз. Фаразимизда кўриб қувонамиз. Мана яқин келажакда пойтахтимиз гўзаликда беқиёс, мислсиз кўркам жой бўлди. Осмонўпар кўпқаватли бинолар, ям-яшил дарахтлар ранг-баранг гуллар орасида ўзгача чирой кашф этади. Ҳаммаёқ боғ-роғ бўлиб кетади. Янги кўчалар тушади, борлари кенгайтирилади.

— Мисолда айтсангиз.


— Марҳамат. Мана 1968 йилдан бошлаб аэропорт ва темир йўл вокзалига борадиган Б. Хмельницкий, Т. Шевченко, А. Пушкин, К. Маркс кўчалари реконструкция қилина бошлайди. Ўрдадан Энгельс кўчасигача бўлган масофада 19 қаватли маъмурий бино қурила бошлайди. Яна Навоий номли кутубхона, Ленин хиёбони, 18 қаватли катта меҳмонхона қурилади. Цирк, Санъат музейи қурилишлари давом эттирилади. Ёшлар учун энг қувонарли нарса университет шаҳарчасида усти ёпиқ яхмалик-каток қурилади. Ўзбекистон, Фурқат, Навоий кўчалари, ва «Пахтакор» стадиони оралиғида шаҳар марказий истироҳат боғи барпо этилади.

— Ҳозирги пайтда қурилаётган турар жой биноларининг сифати қандай бўлаётганини ҳам икки оғиз гапирсангиз.

— Кўплари кўнгилдагидек бўляпти-ю, бироқ маданиятимиз равнақи, фаровонлик натижасида аҳолининг талаби тобора юксалияпти. Аҳоли нафосат, кўрк, қулайлик — ҳаммаси мужассам бўлишини истаяпти. Мана каркас томли, 9 балли зилзилага чидамли москвалик, ленинградлик, грузиялик, украиналик дўстларимиз билан ҳамжиҳатликда қурган биноларимиз сифати замон талабига жавоб беради. Бироқ йирик панелли уйларимиз баъзи жиҳатдан талабга тўла жавоб беради, деяолмаймиз. Уларда ёзги дам оладиган айвонлар, ҳажми тор бўлиб қолган. Бу аввалги типовой лойиҳанинг туб камчилиги ҳисобланади.

— Камчиликни бартараф қилиш учун тегишли тадбирлар кўрилгандир.

— Албатта. Тошкент зонал лойиҳалаштириш институти коллективи томонидан йирик панелли уйларнинг янги «1-УЗ 500» лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда биноларнинг аввалгига нисбатан анчагина қулайликларга эга бўлади. Уй қуриш комбинатлари Янги йилда янги лойиҳага ўтишади деб турибмиз.



ТОШКЕНТ. Бируний номли майдонда Москва қурувчилари томонидан ер ости йўли қуриб битказилди. Бу пойтахтимиздаги энг йирик ер ости йўлидир.

СУРАТДА: кузатаётган йилимизнинг совғаларидан — Бируний номли майдонги ер ости йўли.

Г. Пун фотоси, (УзТАГ).

ОРЗУ ҚАНОТИДА

Меҳнаткаш, заҳматкаш, саҳий, тарихий 1967 йил билан хайрлашар экансан бир йил—ўн икки ой мобайнида кўрган яхшиликларингни, халқимизнинг ажойиб ишларини, амалга ошган ва рўёбга чиқиши муқаррар бўлган хаёлларни, орзуларни, ҳамма-ҳаммасини ўйлайсан, киши.

1967 йилда инсоният Улуғ Октябрь инқилобининг эллик йиллигини тўй қилди, зафарли инқилобимизнинг эллик биринчи йили бошланди. Республикамизнинг жамолига, камолига бир қарасангиз қатрада улуғ офтоб акс этганидек, ҳаётимиздаги жамийки янгиликлар барча зафарлар маналан деб яққол кўриниб турибди.

Баҳодир ўзбек халқи кафтига қуёш қўндириб, елкасига 4 миллион тоннадан ортиқроқ вазмин ҳосилни, агар бир ерга тўпланса, тоғлардан ҳам баландлик қиладиган пахта хирмонини бемалол кўтарди. Қурилиш бобидаги ютуқларимизни айтмайсизми. Биргина Тошкентда дўстларимизнинг кўмаги, мадади билан минг-минглаб квадрат-метр уй-жой қурилди. Ҳар куни Тошкент аҳолисидан 100 кишининг қўлига янги уйларнинг олтин калиди топширилди. Қизил Майдонимизнинг жамоли очилиб, Тошкент қурувчилари асрлар мобайнида ҳам қуламайдиган, нурамайдиган обида ўрнатдилар. Янги корхоналар, янги бинолар кўзимизни қувонтириб турибди.

Ана шуларга қараб порлоқ эртани, келажакни ўйлайсан. Биз, совет кишилари эртамизга ишонамиз. Чунки эртамиз яна ҳам порлоқдир. Бугунимизни, эртамизни буюк офтоб—Ленин қуёши мунаввар қилиб турибди. Улуғ Коммунистик партия нурафшон қилиб турган йўлимизда тобора юксакликка кўтарилмоқдамиз. Буюк мақсадга интиляпмиз. Мана шу мақсад йўлида ҳар биримиз ҳар бир янги йил тағин, бир пиллапоя, тағин бир зина эканлигини яхши биламиз.

Мен мана шу сатрларни ёзяпман-у, икки мингинчи йилда туғилажак авлодни. ёш йигит-қизларни ўйлаяпман. Эҳтимол, улар мана бугунги тарихий ишларни газеталардан, ҳужжатлардан топиб ўқишар. Бугун ўз қўли билан ўз бахтини ёзаётган, инсоният соадати учун курашаётган кишиларга ҳавас билан қарашар. Қанийди, бизлар ҳам ана шу дамларда ёшлар сафида, коинот сирларини тўла-тўкис билиб олган, Ердан Ойга саёҳат қилаётган кишилар орасида бўлсак. Қанийди, бизлар ҳаммамиз икки минг ўн еттинчи йилда Улуғ Октябрь инқилобининг юз йиллиги тантаналарида бирга-бирга-бирга ўйлашсак, бирга-бирга бирга юрсак, бирга-бирга ўйлашсак, бирга-бирга қуйлашсак.

Жаҳондаги жамийки яхши ниятли кишилар ҳамиша тинч, омон даврон суришни, мурод-мақсадларига етишни истайдилар. Бизнинг муродимиз коммунизм. Коммунизм давронида инсон шу қадар камолат чўққисига кўтариладики, унда ғийбат-адоват, фиску-фасод уруғлари, илдизлари батамом қуриб кетади. Яхши ниятли одамлар ҳамиша бир-бирларига бахт-саодат тилайдилар.

Кечагина радиодан истеъдодли бир шоирнинг шеърини эшитиб қолдим. У қулфни ёмон кўрганлигини ёзади. Шоир қилични, милтиқни қанчалик ёмон кўрсам ҳозирча эшиклар халқасида осилиб турадиган қулфни шунчалик ёмон кўраман дейди. Халқимиз қуллиқ занжирларини узиб, чилпарчин қилиб, ундан шамширлар ясади. Милтиқлар ясади. Голиб халқимиз аждар халқумли тўпларни эритиб, улардан ажойиб машиналар ишлаб чиқарди. Ҳеч шубҳа йўққи, вақти келиб ҳамма ерда қулфлар ҳам эритилиб, ундан перо, уй-рўзғорга кор келадиган нарсалар қилиниши турган гап. Дарвоқе, коммунизмнинг аён нишоналарини ҳозироқ ҳамма ерда кўриб турибмиз. Масалан, ўша қулф касод бўлиб ётган дўконлар Фарғона водийсида, гўзал Фарғонанинг Ёзёвон қишлоқларида ҳозироқ бор.

Кимки, бу қишлоқда қулф касод бўлиб қолган. Кишилар бир-бирларига ишонадилар. Агар меҳмон бўлиб келсангиз эшикларингиз эмас, саҳий қалблари ҳам кенг очиқ.

Янги йилдан нима тилаймиз. Башарият сиҳат-саломат бўлсин, уруш оловлари абадий тўхтатилсин. Ҳар бир халқ, ҳар бир киши ўз тақдирини ўзи ҳал қилсин.

Одамларга эзгулик тилайман шу Янги йил тонготарида. Янги йил одамларга янги қанот, янги илҳом бахш этсин. Офтоб ҳаммамизга баббаравар нур сочаберсин. Кишилар қалбида Муҳаббат, Садоқат офтоби яна ҳам кўпроқ нур сочиб порласин. Касаллик, ҳасталик камайсин. ўлим камайсин, жудолик камайсин. Аксинча. тўй-томошалар. учрашувлар ошиқ-маъшуқлар кўпайсин.

1968 йилда улуғ мутафаккир Карл Маркс 150 ёшга тўлади. Инсониятнинг буюк доҳийси Маркс, Энгельс билан биргаликда ёзган шоҳ асарида:

— Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!—деган эди.

Бу жаҳонвар тарона қарийб 120 йилдан буён жаҳон узра янграб келмоқда. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Ватанимиз энг адолатли тузумнинг макони бўлди. Дўстларимиз кўпаймоқда. Жаҳондаги барча халқлар тинч-тотув яшашни истайдилар. Одамларнинг нияти холис. Ана шундай олижаноб муддаоли кишилар кўпайсин.

— Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандош! Бугун ёр-биродарлар сокин кечаларда, оқшомларда, арча атрофида тунларни бедор ўтказиб янги бахт туғилаётган тонготарда бир-бирларига шундай дейдилар.

Одамлар яхшилар, менинг ҳам сизларга тилагим бор:

— Мурод-мақсадингизга етинг. Жонингиз ҳамиша омон бўлсин. Орзу қанотида юксак-юксак парвоз қилаверинг. Умид билан яшаган одам муродга етади. Меҳнатимиз, ижодимиз—мурод мақсадга етишда қанотдир. Бу буқилмас қанотни бизга Ватан берди, Халқ берди, Партия берди. Шу қутлуғ тонготарда нимжики ўйлаган бўлсангиз ўша ниятингизга етинг.

Ҳамид НУРИЙ.





Шаҳримизда видетелефон ишга тушганлигини хабар берган эдик. Унинг хизматидан ҳамма мамнун бўляпти. Эндиликда Тошкентдан Москва, Тбилиси, Минск ва бошқа қўпгина шаҳарларга «дарча» очилди.

Бугун Тошкент политехнина институти талабалари М. Йўлдошев ва А. Ҳакимовларни видетелефон студиясига таклиф қилишди. Уларни Минскдан қизлар сўратишипти. Мақ сад бир-бирларини янги йил билан муборакбод этиш.

Минсклик ҳамсуҳбатлар тошкентлиларни жуда ҳам яққол кўриб, равон эшитганликларидан хурсанд бўлишди.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

● РЕПОРТАЖ

Табриклар оқими

«Адажон ва ойижон, Байрамингиз билан чин кўнгилдан табриклайман.—қизингиз Муяссар».

Ана шунга ўхшаш телеграммаларни бугун Марказий телеграфда ўн минглаб учратиш мумкин. Улар қаҳрамон шаҳар Волгограддан, Сибирь тайгаларидан, Октябрь бешиги Ленинграддан, хуллас Иттифоқимизнинг ҳар бир бурчагидан олинаяпти.

Қўлимизга дуч келган телеграммалардан яна бирини оламиз. Унда Тянь-Шан тоғларининг баланд чўққиларида истиқомат қилувчи Муҳаббат Тойирова дугонаси Холидани Янги йил билан табриклаб, юборган тилагини ўқиймиз.

Ҳа, бу ерда бугун иш жуда ҳам қизғин. Қўли-қўлига тегмаётган телеграф ишчилари меҳнаткашларнинг Янги йил билан табриклаб бувалари-ю бувиларига, адалари-ю оналарига, акаларию, опаларига, укаларию сингилларига, ёр-биродар, қавму-қариндошларига юбораётган телеграммаларини ўз вақтида етказиб бериш билан банддлар. Цехни айланамиз.

—Мана бу қиз Жамила Ҳакимова,—дейди смена мастери Туробжон Комилов, чаққон ишлаётган қизни кўрсатиб.—Жамила РСФСР линияси билан ишлайди. Бугун у 500 та телеграмма олиб, 480 телеграмма жўнатди. Ўн беш йилдан бери ана шу соҳада меҳнат қилаётган Ҳакимовани яқинда ҳукуматимиз «Меҳнат Қизил Бай роқ» ордени билан тақдирлади. Бунга ўхшаш қизлар телеграфимизда ўнлаб топилади.

Саралаш бўлимига ўтарканмиз, чаққонлик билан ҳаракат қилаётган Насибага кўзимиз тушди. У Киев, Боку, Арманистон, Грузия деган катакларга қўлидаги телеграммаларни жойлаштирарди. Бу ерга ишга келганига атиги уч йил бўлганига қарамасдан ҳозирда у ўзининг чаққон ҳаракати билан барча дугоналарига ўрнак бўлмоқда.

Телеграфимизда бешта бўлим бўлиб,—деб сўзида давом этади Туроб ака. Улар бир сменада 27 минг 324 та телеграмма олиб юборишади. Бултур эса 31 декабрь кунининг ўзида 160 минг 300 та телеграмма олиб, 73 минг 840 та телеграмма юборганмиз. Бугун эса бундан ҳам кўп телеграмма олишимиз кўзда тутилмоқда.

Қўлимизга телеграммалардан яна бирини оламиз. Унда Куйбишев шаҳрида турувчи Ботир исмли йигит поччаси ва опасини ҳамда жиянларини табриклаб, телеграмма йўллабди. Бунга ўхшаш телеграммаларни кўплаб сараб ўтиш мумкин.

Ҳа, бу ерда бугун минг-минглаб кишиларимиз улуғ айём билан табриклаб, яхши тилаклар тилаб телеграммалар юборишяпти.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

БИЗДА ҚАДИМИЙ УДУМ БОР. ТЎЙ-БАЙРАМЛАР ШЕЪРСИЗ, ҒАЗАЛСИЗ ЎТМАЙДИ НЕГАКИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗИ ШОИР ХАЛҚ, ЗУККО ХАЛҚ. МАНА, БУГУН ҲАМ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ АТРОФИДА ШАҲРИМИЗНИНГ ҚИЛҚАЛАМ ШОИРЛАРИ ЎТИРИШИБДИ. ПИР АЛИШЕР НАВОИЙЛАРИ, УМАР ХАЙЁМ АВЛОДЛАРИ ҚАДАҲ КЎТАРИБ, ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИНИ АЙТИШЯПТИ.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ:

Янги йил кирмоқда, ваъдаси улкан
Ваъдага вафолик, бир сўзли экан,
Янги йил шаънига айтаман алёр,
Истагим: гул ҳаёт кўрмасин ткан.
Истагим, ченалар ялтираб турсин,
Болалар кулгуси шарқираб турсин,
Одамлар қувончин назмга солиб,
Қалам ҳам занглямай ярқираб турсин.

Муҳаммад АЛИ:

Дўстлар, Янги йилнинг қаршиланг шодон,
Унинг теграсида бўлинг парвона.
Дўстлар, Янги йилнинг қаршиланг шодон,
Эндиги умид ҳам ундандир, зотан —
Эски йил бизларга энди бегона.
Аммо эски шароб создир дунёда
О, эски шаробнинг мадҳи — афсона!
Дўстлар, қадаҳларни сипқоринг шодон,
Юздаги қувончи ҳам майдандир зотан—
Майга дўст юраклар ғамга бегона.

Барот БОЙҚОБИЛОВ:

Эски йилнн бизга унутмак маҳол,
У бизга бахш этган бир дунё зафар.
Ҳаётга нақш этган юз баҳор жамол,
Мадҳини ёзмоққа етмас минг дафтар.
У бизга бахш этган бир дунё зафар.
Янги йил янги бахт келтирур бизга,
Умримизга умр қўшар Янги йил.
Дунё ҳам яшарган кўринар бизга,
Кўракка сиғмасдан талпинар кўнгил.
Умримизга-умр қўшар Янги йил.

Эркин ВОҲИДОВ:

Истайманки- Янги йил бир коса шароб бўлсин,
Шароб қадрин билмаган бир умр хароб бўлсин.
Истайманки, Янги йил ажойиб китоб бўлсин.
Уни битиш дардли завқ, роҳатли азоб бўлсин,
Истайманки, Янги йил тарихда бир боб бўлсин.
Танқидчилар бокарам ва олийжаноб бўлсин.
Шеърлар беҳисоб бўлсин- беҳисобу боп бўлсин.
Шоирлар секин ёзсин, лек ҳозиржавоб бўлсин.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА:

Қоржон ёғди оламга
Югуриб бордим холамга
Холам деди: олиб кел,
Олиб келдим бир тутам,
Эриб кетди ўша дам.

Холам деди: олиб кел,
Челакчанга солиб кел,
Қорга чиқсам йўқ нишон
Мени алдабди қоржон.

Омон МУХТОРОВ:

Мен нима истардим!
Умид ва орзу —
Юқсин- маразлардан, дардлардан змёд.
Беморлар ўрнидан нрғиб турсин-у,
Ҳуррам даврларда ўйин тушсин, шод.
Ва улар пойига йиқилар экан —
Мараз- юм-юм йиғлаб, ҳўрлансин. Ва у
Эски йил ҳокида ётиб юз тубан—
Англасин- қандай куч умид ва орзу.

Абдулла ОРИПОВ:

Истайманки, Қоробобонинг этагин тутган
Жужукларнинг юраклари шавқда
тўлсинлар.
Истайманки, газетага ҳозир шеър битган
Дўстларимнинг тилаклари бажо
бўлсинлар.

Эътибор ОХУНОВА:

Юлдузлар шодаси бўйнимга маржон —
Бўлсаю- пойимда турса ҳилпоп.
Қуёш ҳам инсонга бўлиб таржимон
Жавобга пол қолса тинглаб саволим.
Шамоллар, чақинлар таъзимда турса
Арзи-самонн ҳам измимга солсам.
Буюрсам, шўх еллар тинса, югурса,-
Шу зайл жаҳонда абадий қолсам.

Низомжон ПАРДА:

Кўкда икки юлдуз дуч келган мисол
Эски ва Янги йил учрашган пайти
Қайдадир туғилса бир учқур инсон
Не ажаб, ёронлар, не ажаб айтинг.
У на фотиҳ эрур ва на жаҳонгир
Лекин етук даҳо—ҳиммати баланд...
Мен қадаҳ кўтариб ўйлайман бир-бир
Ўйим шу авлодлар ишқи билан банд.

САЙЁР:

Тила дерлар не бор кўнгилда,
Тила дерлар,
айб эмас орзу.
Орзу этдим
Бу Янги йилда
Осмон тўла қор ёғдирсин у.
Беш ёш ўғлим
Уч ёш қизчам бор,
Бу аслида улар тилаги.
Қорни
улар орзу қиладн.

Ҳайриддин САЛОҲ:

Ҳар улуғ сачанинг Янги йилида
Янги туғилгандай бўлади одам.
Одам туғилдими, унинг дилида
Истак ҳам туғилар роса бир олам.
Истак шу—адиблар хилватдан эмас.
Меҳнатдан изласин илҳом парисин.
Ушалсин дилдаги ҳар эзгу хавас,
Шодлик яшарсину, алам қарисин.

ТЎЛҚИН:

Орзиқаман, кутаман, ҳар кун
Пага-пага ёғсангчи эй қор!
Қор айтади: ерда на қилай,
Мен ҳақимда қоп-қоп шеърлар бор,
Ҳамма шеърда бир хил оппоқман
Дурга қиёс қилишар ҳар гал.
Энди қизил бўлиб ёғаман,
Шунинг учун кутиб турғин сал.

Юсуф ШОМАНСУР:

УЧ ИСТАК

Янги йилда шудир менинг хоҳишим:
Учта жойда кўрмай дейман **ТИРГОВИЧ!**
Лаганбардор келса бўлиб хушбичим
Бошлиқ хушёр турсин, **СУЯМАСИН** ҳеч!
Эски иморатлар қийшайса оғиб
Қўйилмасин дейман **ТИРГОВИЧ** зоти:
Бунинг ўрнига-чи, бинокор оға
Янгисини **ТИКЛАБ** қўйсин **САВОБ**га ботиб:
ТИРГОВИЧ қўйилса қилмайман тоқат
Эзма ноткиларнинг оғзи, жағига.
ТИРГОВИЧ қўйлик дўстлар, биз фақат
Ёзда **ШАФТОЛИНИНГ** лаҳзон шохига!

Охунжон ҲАКИМОВ:

Тилакларим жўн ва содда:
Тўрт мучангиз бўлсин соғ.
Майли, ичинг шароб-бода,
Ўзни учунг бироқ!
Ютқизманг ҳеч, доим ютинг,
Иш деганда қорманг.
Ютган янги йилни кутинг,
Лекин, мутлоқ қарманг!



СУРАТДА: редакциямиз меҳмонлари [чапдан ўнгга] — Ҳайриддин Салоҳ, Тўлқин, Юсуф Шомансур, Эркин Воҳидов, Эътибор Охунова ва Азиз Абдураззоқ. Иккинчи қаторда — Сайёр, Абдулла Орипов, Охунжон Ҳакимов, Муҳаммад Али.

М. Нуриддинов фотоси.



ОЛЕГ ПОПОВ ТАБРИКЛАЙДИ

— Агарда янги 1968 йилда цирк ва кино томошабинларига бир дақиқалик қувонч ва табассум бахш эта олсам, келаётган 1968 йил мен учун бахтиёр йил бўлади, деб баралла айта оламан,— дейди РСФСР халқ артисти, машҳур қизиқчи Олег Попов.— 1967 йил мен учун унутилмас бўлади. Шу йили ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирландим. Бу мукофотни биргина менга эмас, кишиларга табассум бахш этувчи совет цирки ветеранлари ва захматкашларига берилган мукофот деб ҳисоблайман. Яна нима ҳам дейишим мумкин? Ҳа, ҳаётимда биринчи марта қўшиқ куйладим. Ҳозир эмас, чиндан. Телетомошабинлар Янги йил кечаси экранларда мени кўришлари билан бирга қандай куйлашимни ҳам тинглайдилар. Ундасидан чиқармикинман? Унисини Сиз ҳурматли томошабинлардан сўрайман.

Янги йилда Сизга бахт ва зафар ёр бўлсин.

Суратда: Олег Попов.


В. Мастюков ва **А. Коньков** фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲАМШАҲАРЛАРИМГА

Азиз ҳамшаҳарларим, болажонларим! Кириб келаётган янги йилларинг билан чин кўнгилдан қутлайман. Ишларингда, ўқишларингда, шахсий ҳаётларингда катта муваффақиятлар тилайман, ардингиз ўрғулсинлар!

Янги йил туғилиши баробарида ҳар бир кўнгилда янги орзу ва истаклар қанот ёзмоқда. Ана шу ноёб орзу ва истакларингизнинг амалга ошишига тиландошман!

Лутфихоним САРИМСОҚОВА,
СССР халқ артистқаси.



КЕЛИН ОЙГА САЛОМ ҚИЛАДИ

(Келажак ҳикояси)

Каминангизнинг бўйинларига ола хуржун тушиб, бошим икки, оёғим тўртта бўлганига мана, уч ойдан ошди. Келинингиз Фарғонадаги космик лабораторияда ишлайдилар. Исми-шарифларини сўрасангиз — Юлдузхон. Мен ғоҳо ҳазиллашиб:

Кўк юзини безар порлоқ юлдузлар,
Ер юзини безар Юлдуздай қизлар,—

деб қўяман. Хоним ҳийламга дарров тушунадилар.

— Хушомад қилмай қўя қолинг,—дейди кулиб,—ким билади, сиз Ойда нима ҳунарлар кўрсатиб юрибсиз? Инглиз қизлари сарв қомат бўлади дейишади...

— Қизиқмисиз Юлдузхон,—дейман ўзимни оқлаб,—ҳунар кўрсатишга вақт борми? Илмий-текшириш ишлари олиб боряпмиз...

— «Гўзал қизлар нигоҳининг уйланган йигитлар юрагига таъсири» ҳақида-я?— Юлдузхон ҳамон таъқиб этаверади.

— Ана шунақасиз-да, Юлдузхон,—беихтиёр таслим бўлабошлайман. — агар ишонмасангиз бир кун ўзингиз чиқиб кўрарсиз ҳам.

— Бир кун эмас, мана шу Янги йилда чиқамиз!

— Янги йилда қандоқ бўларкин, Юлдузхон... Ерimиз яхши эмасми? Ерда туғилганмиз, Ерда катта бўлдик. Она Ерга ҳурматимиз ҳаққи Янги йилни уйда кутсак девдим.

Юлдузхон астойдил ранжийди:

— Доим шунақа қиласиз! Келин бўлиб нима кўрдим? Бир марта Японияга, бир марта Цейлонга бориб келдим холос. Ана, кўздай қўшнимиз Сурайёхонларни қаранг! Ҳар байрамни Ойда ўтказишади. Марсга уч марта чиқиб тушишди...

Қараб турсам бўлмайдиган. Ёш келининг кўнгли нозикроқ бўлади, дейишарди Гоҳи-гоҳида ён босмасанг, доғда қолишинг мумкин. Шунинг учун:

— Хўп жонгинам, сиз айтганча бўлсин!—деб қутилдим.


Чин арафа куни космодромга қараб кетдик. Борсак—одам деганинг юлдуздан ҳам кўп экан. Бир амаллаб жойлашдигу, Ойга равона бўлдик.

Баъзан, қўрқмаяптимикан, деб Юлдузхонга қараб қўяман. Қаёқда дейсиз! Келинингизнинг юраги бизникидан бақувват. Бизку Юлдузхоннинг ишқида юлдуз санаб юриб юракнинг ярмидан айрилганмиз. Қолган ярми яна ўша кишининг қўлларида. Демак келинингиз бир яримта юракка ҳукмини ўтказа олади. Шундоқ бўлгандан кейин у нимадан қўрқсин?!

... Ойга ҳам етиб келдик. Келинингиз кемадан тушдилар-у, тўйимиз куни ўраган оппоқ харир рўмолини бошига солиб беш ўн қадам юрдилар. Кейин худди келин тушди куни ойимларга таъзим қилгандай, эгилиб салом бердилар:

— Ассалом, Оймомо...

Енимдаги йигитлардан бири:



— Баракалла... Кўп яшанг, қизим!—деди чоллар-га ўхшатиб. Дув кулги кўтарилди.

Шундай қилиб, Юлдузхоннинг муборак излари Ойга ҳам етди. Хопимга уёқ-буёқни кўрсатган бўлдим. Кейин Совет мутахассисларининг Янги йил базмига йиғилдик.

Базмга Ойда текширув ишларини олиб бораётган чет эллик дўстларимизни ҳам таклиф этдик. Сунъий иқлим яратилган катта залимиз лиқ тўлди. Бир ёнда Фурқатнинг ошиқ қалбини ўртаган Кашмир дилбарлари, бир ёнда Хофизни ром этиб сақийлигини қўзғатган ҳинду гўзаллари, ҳуш сурат араб йигитлар, япониялик камикадзелар..

Юлдузхонни кўриб жазоирлик дўстим Муҳаммад Ал-Зоҳир сўради:

— Ёлқин, маликани нима деб улуғлаймиз?

— Юлдузхон, — дедим ва маъносини арабчага таржима қилиб бердим.

— О, бағоят ramзий! — қулди Муҳаммад ва дарров пайров қилди. — Юлдузнинг Ёлқини ҳамиша ловиллаб турсин!

Бир вақт бошлиғимиз кириб келди. У залга кўз қирини ташлаб олиб ҳазиллашди:

— Ўртоқлар, бу қанақаси бўлди! Буюк ўзбек шоири Навоий айтганидай, бир тараф девоналар, бир ён пари рухсорлар-ку? Яхши эмас... Ўтган асрдаги одатни ташлаш керак. Қани, битта эркак, битта аёл ўтирилсин!..

Ҳазил-мутойиба билан шишалар очилиб неча йил бандликда ётган «мўъжиза» озодликка чиққач одамларга кароматни кўрсата бошлади: тиллар бурро бўлиб қолди. Ҳатто бир-бирини тушунмайдиган меҳмонлар ҳам таржимонсиз гаплашиб кетишди. Ҳинду қизи оёқ-қўлларига қўнғироқчалар тақиб рақсга тушди. Муҳаммад кафтини чеккасига босиб Нил ҳақида куйлай бошлади. Юлдузхон ҳам ўзбек ракиласи сифатида туриб «Тановар»га ўйнаб берди.

Ер ҳисоби билан 1 январь тонги отганда тарқалишдик. Эртасига иш бошланди. Биз Ердаги баъзи касалликларни Ойнинг табиий иқлими воситасида даволаш йўлларини излаётган эдик. Яна лабораториялар, космик станцияларимиз ёнидан жой олдик.

Юлдузхонга атайин бир замонлар ишлаб чиқарилган, ноқулай гермошлём кийдириб қўйганман. У кун бўйи ортимда соядай эргашиб юради.

— Эҳтиёт бўлинг, — дейман баъзан, — мени битта яримта сарвқомат инглиз ўғирлаб кетса ойимга сиз жавоб берасиз!

Юлдузхон бўш келмайди:

— У қиз ҳам анойи бўлмаса керак. Ўғирласа— ёлғиз юрганингизда ўғирлайди.

Беш кун ўтди. Юлдузхон кетаманга тушиб қолди.

— Юратуринг, отпускадаси-ку,—ўзимни бепарволикка солдим.

Яна икки кун ўтди.

— Фарғонани соғиниб кетдим,—деди Юлдузхон,— кузатиб қўйинг...

— Учиш вақтинча тўхтабди,—дейман ёлғондан,— сабр қилинг.

Хуллас ўн икки кун деганда Юлдузхон йиғламоқдан бери бўлди:

— Ҳар куни тушимга қишлоғим киради... Оҳ, Ернинг ҳидини бирам соғиндимки!

У олис-олисларда чарақлаб турган сайёрага қараб хитоб қилди:

— Қачон етар эканман сенга, Ержон!

Бечорани шунча қийнагаким етар дедим-у, эртасига биринчи рейс билан жўнатиб юбордим.

Шу-шу, келинингиз Ойга чиқаман демайдиган бўлди. Гоҳо радиотелефон орқали гашта тегаман:

— Юлдузхон, сиз бу ёққа чиқиб турмасангиз сарвқоматлар масаласи ним бўлади?

— Қани, эгри қадам босиб кўрингчи!—пўписа қилади у.— Юлдузхон ҳатто ўйлаётган ўйингизни ҳам биладн Ерда турибсиз!

Шунда ҳали ўзим кўрмаган, ганимаган «сарвқомат инглиз қизлари»дан чинакамига ҳайиқиб қўямаи...

Саъдулла СИЁЕВ.

ЁДИМДА БОР!

Ўтган йили ишга «бўлса бўлар-ку» қабилида қараган баъзи раҳбар болаларимни, шаҳримизнинг гоҳ у, гоҳ бу чеккасида нўриниб, кишининг ғашини келтираётган камчиликларни танқид қилган эдим.

Кўпинча бола гуноҳ қилиб қўйса отасининг пайти чоғ пайтида айбини бўйнига олиб, жазодан қутулиб қолади. Бугун байрам. Пайтим чоғ аммо «бултур танқид қилганлари Саксон отанинг хаёлидан кўтарилиб кетди, энди биз билан иши бўлмайди» деганлар номаъқул бузоқнинг гўштини ебди.

Янги йилда ҳам қаерда камчилик кўрсам тузатгирмагунча қўймайман.

Рост, бултур кўпчилигининг кўзига хунук кўриниб ётган камчиликларни «Оқшом»га олиб чиққанимдан кейин анчагина яхши ишлар қилинди. Лекин ҳали ҳаммаси адо бўлдими? Йўқ!

Мана, лой-балчиқ босган кўчаларнинг ўзини олайлик. Кўнча — Октепа маҳалласи, «Октябрь» массиви, Дўмбробод массивида бунақа кўчалар тўлиб ётибди, одамларга қувонч улашиш ниятида шошапиша келаётган Янги йил шу кўчаларда ботиб қолмаса деб қўрқаман. Бултур-ку, йўл ремонтини қишнинг қоқ ярмида бошлашгани учун Дўмбрободга қатнайдиган 6, 24, 29-автобуслар ярим йўлдан қайтиб, одамларни оворагарчилик қилиб қўйган эди. Янги йил арафасида Чилонзор билан Дўмбробод ўртасидаги бу йўл яна ремонтга тушибди. Ҳайронман, бу йўл тузатувчилар баҳорда уйқуга кириб, қишда уйғонишадими дейман.

Ўтган йили чойхоналар масаласини ўртага ташлаган эдик. Шаҳар умумий овқатланиш трестининг бошлиғи Сутягина — қизим ҳар битта чойхонада чойнак-пиёла бўлади, гилам тўшалади, деб бир олам ваъда берган эди. Қани? Ҳалиям ўша синиқ чойнак, исқирт стакандан бўлак гап йўқ.

Ошхоналарда миллий таомлар пиширш масаласи ҳам хомлигича турибди. Узбекнинг палов билан лағмондан бошқа таоми йўқми? Норин-чи? Наҳотшўрачи? Қачонгача одамлар эски шаҳарнинг бозорида балчиққа ботиб, кўчада нохотхўрлик қилади? «Гулистон» деган каттакон миллий таомлар ресторани очилди, Шу ерда норин пиширса бўлмайдими? Нега сосисканоалар ҳар қадамда учрайди-ю, ҳасибхона йўқ? Ёки одамлар хасиб билан қазини ёмон деб ейдия?

Майли, шундоқ арафа кунида Сутягина — қизимни ранжитмай қўя қолай. Янги йилда бу тўғрида яна бафуржа гаплашамиз.

Кўчалар, хиёбонлар қаҳвахоналар номи тўғрисида ҳам гап бўлган эди. Рост, анчагина кўчаларга, ошхоналарга, халқнинг дидига мос чиройли номлар қўйилди. Аммо ҳали ҳам кишининг ғашини келтирувчи кўча номлари кўп.

Айни ҳамма ишга кетаётганида, ёки келаётганида «масал бўлиб қоладиган автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, суллох таксичилар, ўз тилини унутган ножинслар оз бўлса ҳам учраб турибди. Янги йилда буларни барибир тинч қўймайман.

Фарзандларим! Дастурхон атрофида жипс ўтириб ўйнаб-кулийг! Янги йилга эски иллатларни орқалаб кирманг. Тилагим шу.

САКСОН ОТА.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Чолга жой бермайсизми?



Дадалари командировкада... Рассом А. ХОЛИҚОВ.

БЕШ МИНУТИ КАМ ЎН ИККИ...

(ЯНГИ ЙИЛ ИНТЕРМЕДИЯСИ)

ПРОЛОГ

...Мана янги йилнинг киришига саноқли дақиқалар қолди. Ҳозир соат бешта кам ўн икки. Ҳадемай саот миллари ўн икки рақами устида жуфтлашиб, янги йил бошланганидан дарак беради.

Шу улуғ айём кунида ҳажвчига бирор иш қолдимикин?... У бир четда ўтириб ана шуларни ҳаёлидан ўтказди-ю, бирдан кўзлари ярқ этиб очилиб кетди: «И-е нималар деяпман, ахир, ҳажвсиз, кулгисиз, қаҳқаҳасиз бирор тўй-базм ўтармиди? Бугун эса шундай катта тўй кунида қўл қовуштириб ўтирганимни қаранглар-а... Кел, яхшиси фурсатни қўлдан бермасдан ўз «қаҳрамонларим»дан хабар олай-чи, улар янги йилни қандай кутиб олишаётган эканлар...»

Ҳажвчи шундай деди-ю, ўзининг эски «ошна»лари олдига жўнади ҳамда улар янги йилни қуйидагича кутиб олаётганликларига гувоҳ бўлди:

Қовоғиданқорёғди Тўраев (идорасида мук тушиб, қоғоз титкилаб ўтирган экан): «Ҳайронман, янги йил, янги йил дейишади... Қулоқ-миянгни қоқиб қўлингга беришади... Хўш, янги йил кирса нима бўпти? Хўш, янги йил кирибдими, чиқибдими, буни ким кўрибди?! Бу тўғрида бирон факт, акт ёки бошқа ҳужжат борми? Биз ҳужжатсиз, ёки бирор кўрсатма олмагунча ҳеч нарса қилолмаймиз... Янги йилингиз ҳам, Қоробобонгиз ҳам эртага келақолсин. Бир кунга кутиб турса ҳеч нарса қилмайди... Одамлар ҳафталаб, ойлаб кутишади-ю! Шу билан қабул тамом!»

Ҳажвчи унга қараб ачингайнамо бош силкиди-ю навбатдаги «қаҳрамон»ни —**Сўзгачечан Ваъдабоевга** дуч келиб қолди. У ўз идорасида йиғилиш ўтказаётган экан.

Сўзгачечан Ваъдабоев: (минбарда): «Шундай қилиб ўртоқлар, мана қарабсизки, янги, 1968 йил ҳам салобат билан кириб келмоқда. Бизнинг фидокор, шонли коллективимиз бу кунни ажойиб, такрорлаб айтаман, ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар! Ўтган йили қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз, ўртоқлар! Аммо мен, мана шу минбардан туриб рўйирост айтишим керакки, ишимизда жиддий камчиликлар ҳам бўлди. Иш бор жойда камчилик ҳам бор, деганлар доно-лар... Биз йиллик планимизни бажара олмай қолдик. Аммо бу йил, албатта, бажарамиз, ўртоқлар! Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизнинг сифати чатоқ бўлди, аммо бу йил, албатта, яхшилаймиз, ўртоқлар! Хўш... оталигимиздаги ясли қурилиши битмай қолди, аммо бу йил, албатта, битирамиз, ўртоқлар! Хуллас, ўртоқлар, янги йилда бажарамиз, бажарамиз ва яна бажарамиз! Ура, ўртоқлар!»

Ҳажвчи: «Афсуски, бу чиройли нутқни ўтган йили шу куни шу соатда ҳам сўзлаган эди. энди текстини янгиланга ҳам сақлаб қўйса керак».— деб қўйди.

Ҳажвчининг яна бир эски «ошнаси»— Сертаъзимжон Иккибукилганов эса бу пайтда ўз уйида терлаб-пишиб эгилиб-букилиб телефон қилиш билан овора эди.

Сертаъзимжон Иккибукилганов: «Ал-ё, ал-ё... Бу Шокарим Шорасуловичнинг квартираларимилар? Ким бу? Э, келинойи, саломатмисизлар, шириң, жажжи, дўмбоқ жиянчаларим ўйноқлашиб юришибди-ми? Ким дейсизми? Ким бўлардим, Учқунчангизман-да! Ҳа, ҳа, ўша. Хўжайин уйдамилар? Мен ана шу муборак дақиқаларда ўзларини шахсан табриклаб қўймоқчи эдим.. Нариги уйда, меҳмон олдида, дейсизми? Иў-йў-йў... Сираям овора қиманг. Ҳали ўзим соат ўникки-ю ноль-нолда қўнғироқ қиламан.. Фақат, келинойи, ўзингиз бизнинг астойдил садоқатли саломимизни, табригимизни етказиб қўясиз-да... У кишидан кўп яхшилик кўрганмиз... Ал-ё, ал-ё, (трубкага пуфлайди). И-е, қўйиб-қўйишди-ку... Майли, майли, ҳали яна телефон қиламан... (Қўлидаги рўйхатга қараб) Акбархўжа акамлар бўлди. Ўртоқ Солиевга телефон қилдим.., Келдихўжаев-чи?... Э, нима кераги бор, нима қиламан ишдан бўшаган одамни безовта қилиб.. Хўш, яна ким... И-е, нақ бўлмаса Ортиқхўжа акамлар қолиб кетаёзибди-я... (телефонга ёпишади) Ал-ё, ал-ё...»

Ҳажвчи: «Бу эрталабгача ҳам телефон олдидан кетмай ди»,— деди-ю, унинг таништарига ич-ичидан ачиниб, қаҳрамонларидан бири — Яримтахўр Майдалабтортаровдан ҳам бир хабар олмоқчи бўлди. Бу «ошнаси» янги йил кутишни эрталабданоқ бошлаб юборган экан.

Яримтахўр Майдалабтортаров: «Молодец, янги йилни ўйлаб чиқарганга!... Раз, янги йил бир йилда бир келганидан кейин, уни ярим нечаси кутмасдан, бундай, эрталабданоқ кутиш керак! Е гапим нотўғрими? Нотўғри деган чиқсин. кўрсатиб қўяман! Ҳе, ўша!!! Мана биз эски йил учун ичдик, ундан олдингиси учун ҳам ичдик... (йиғламсираб) ўтиб кетган катта бувимнинг саломатликлари учун ҳам ичдим... Мана, ҳа демай янги йил ҳам кирадн. Янги йил икки марта кирадн: Тошкентчасига — унгаям ичамиз. Ҳали соат учдаям кираdн, унгаям ичамиз... Қайларга қочай, Лайло!»... (столга суянганича ухлаб қолади).

Ҳажвчи: «Ича-ич. Сендан янги йил ҳам эски йил ҳам безор. Шу кетишинг бўлса янги йилни хушёрхонада кутишинг аниқ».— деди-ю бош чайқаб чиқиб кетди.

Яна бир қаҳрамони —Ялқовбой Ҳурраktортарийнинг уйига келди. У— диванда бемалол ҳуррак тортиб ётарди.

Ялқовбой Ҳурраktортарий: — (уйғониб кетишади. эснайди. Хотинига) «Оббо, жуда ажойиб туш кўрятурувдим, белига тепдинг-а... Ҳалигимиш, тушимда менга профессорлик унвонини беришганмиш, академияга сайлашганмиш... Ҳамма менга қараб: ана фалон фанлар доктори Фалончиев келяпти, деб йўл бўшатиб тургапмиш.., Қани, энди тушим ўнгидан келиб докторскийни ҳам бир бало қилиб олсам, зап иш бўлардн-да... Аммо бу ёгига иш юришмаяпти-ку. Кандидатскийдан кейин бир вараг ҳам нарса ёзмабмана... Оббо, яна бир гап қиларманман... Нима, битта менми?..

Ҳажвчи унинг «илмий-ижодий» фаолиятига муваффақият тилаб қўйди...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.


Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ

31 ДЕКАБРЬ, 1967 И.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЦИРККА МАРҲАМАТ!



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг қишки каникулларида 31 декабрдан 1968 йил 10 январгача

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ «ЦИРКДА АРЧА»

Қорбобо, Қорқиз, Бўрон, Сариқ масхарабоз ва қизиқчи-иштирокида болалар учун «Қуёш қувончи» эртаги

ПРОГРАММАДА:

Майдонда мосиваликлар» — Совет цирки усталари.

Радио-механик одам — «Робот» иштирокида СССРда яккаю ягона электрон-иллюзион аттракцион. Раҳбари — **Олег Сонол.**

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан кеч 6 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА

31

ДЕКАБРДА
ЯКШАНБА

Биринчи

18.00 «ЕШЛИҚ» радиостанциясининг программаси.
18.40 **«Янги йил оқшоми»** деган радиокомпозиция (қозоқча).
19.20 **Эстрада концерти.**
20.00 «ТАБАССУМ» радиожурналининг янги йил саҳифалари (ўзбекча).
21.20 **«Янги йилингиз қутлуғ бўлсин».** Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.
22.00 **«Буюк галабалар йили»** (ўзбекча).
22.20 **Рақсга марҳамат.**
23.10 «ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИ» деган катта концерт.
23.45 **Янги йил табриклари.**
00.03 **«Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, дўстлар»** деган концерт.

Иккинчи

19.00 «Сизларни дўстларингиз табриклайди» деган эстрада эшиттириши.
21.00 **«Байрамингиз қутлуғ бўлсин, дўстлар»** деган адабий-музикали эшиттириш (тожикча).
21.30 Рақслар.

РАДИОДА

1

ЯНВАРДА
ДУШАНБА

Биринчи

7.45 М. Насимов. **«Дилбарим»** деган вокал-лирик сюита.
8.25 «АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ!» деган концерт (ўзбекча).
9.30 **Енгил куйлар.**
10.30 **Янги ёзиб олинган куйлар.**
11.15 «НАФОСАТ ДАВРАСИДА» радиожурнали.
12.15 «Эрталабки салом» (Москва).
13.00 **Халқ куйлари гулдастаси** (ўзбекча).
13.30 Куба халқ куйлари.
14.00 **«Дала меҳнаткашлари, янги йилингиз билан»** деган эшиттириш ва концерт.
15.00 **Куба халқининг миллий байрами** (ўзбекча).
15.15 **Алангали орол куйлари** (ўзбекча).
15.45 «Талантлар шинавандалар меҳмони» деган эстрада эшиттириши (русча).
16.30 **«Янги йил оҳанглари»** деган концерт (ўзбекча).
17.30 Халқ талантлари концерти (ўзбекча).
18.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси.
18.40 Жаҳон музика маданияти хазинасидан. П. И. Чайковский. «Ромео ва Жульетта» симфоник поэмаси.
19.20 Шўх ритмлар» деган концерт.
20.00 «Қувноқ соатда» деган концерт.
21.00 **«Янги йил лирикаси».** Шоирларнинг чиқишлари.
21.15 **«Янги йил табассуми»** деган концерт.
22.20 **«Бугун ҳамма рақсга тушади»** (ўзбекча).
23.10 ЛИРИК КОНЦЕРТ.

Иккинчи

8.25 «Янги йил билан» деган концерт (русча).
19.00 «Янги йил бали». Эстрада-рақс концерти (русча).
20.00 «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва).
21.00 **«Ассалом, 1968 йил»** деган концерт (тожикча).
21.30 Лирик концерт (татарча).

Учинчи

14.00 **«Нафосат даврасида»** радиожурнали. Такрорий эшиттириш.
15.00 Гажибеков. **«Аршин мололон»** музикали комедиясининг монтажи.
16.30 **«Эстрада. қўшиқлар, рақслар».**

ТЕЛЕВИЗОРДА

31

ДЕКАБРДА
ЯКШАНБА

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

Биринчи

Ўзбек тилида:
18.15 «Хайр юбилей йили, салом Янги йил».
18.45 Суҳбатли концерт.
20.00 «ТОҒДАГИ УЧРАШУВ». Кинокомедия (рус тилида).
21.25 ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ.
23.35 **Янги йил табриклари.**
24.00 **Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, дўстлар!»**

МОСКВА КЎРСАТАДИ

01.25. Телевизион эшиттиришларининг махсус сони.
01.30 **«Энг катта арча».** Телевизион эшиттиришларининг янги йил сони.
02.50 **«Янги йилингиз муборак бўлсин, дўстлар!»**
03.03 **«Энг катта арча».** Янги йил сонига бағишланган телевизион эшиттиришларнинг давоми.
04.30 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ

18.25 Телевизион янгиликларнинг махсус сони.
18.30 Поэзия альманахи.
19.10 Телевизион янгиликларнинг махсус сони.
19.15 Музикали киоска.
19.45 **«Тарих айланаси».** Халқаро программа.
20.00 Юқори синф ўқувчилари учун янги йил эшиттириши.
20.55 Телевизион янгиликларнинг махсус сони.
21.00 **Ярим аср йилномаси.** Кўп сериали телевизион ҳужжатли фильм.
21.55 Телевизион янгиликларнинг махсус сони.
22.00 «КАВКАЗ АСИРАСИ». Бадиий фильм.
23.25 Телевизион янгиликлар.
24.00 **«Цирк программаси».**
00.30 Телевизион миниатюралар театри. **«Уч уч стул».** Янги йил сони.

Учинчи

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

18.15 Телеочерк.
18.30 **«Учқун»** Янги йилга таклиф этади.
19.30 Беш йилликнинг 730-куни.
19.45 «Экран — болаларга».
20.30 Якшанба калейдоскопи.
21.15 Беш йилликнинг 730-куни.
21.30 «КАРНАВАЛ ТУНИ». Бадиий фильм.
23.00 **«Қор учқунлари».** Концерт.
23.50 **«Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, дўстлар!»**
00.10 Бирга рақсга тушамиз.

ТЕЛЕВИЗОРДА

1

ЯНВАРДА
ДУШАНБА

Биринчи

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
Ўзбек тилида:
10.55 Эшиттиришлар программаси.
11.00 **Қум одамининг Янги йил совғаси».** Кўғирчоқ фильм.
11.15 **Янги йил арчаси атрофида.**
11.45 **«Хат ташувчи — қорбобо».** Мультфильм.
12.05 «УФҚ». Киноальманах.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Болалар учун мультфильмлар.
13.30 Болалар учун. **«Эртак кетидан эртак».**
14.00 **Янги йил концерти.**
15.00 Ўқувчилар учун спорт эшиттириши.
16.00 Москва эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:
16.55 Эшиттиришлар программаси.
17.00 Болалар учун. **«Қувноқ минутлар».**
17.30 «ЕШЛИК» студияси **Янги йил балига таклиф этади.**
19.10 Рус тилида катталар учун мультфильм.
19.30 **«Рус ўрмони ҳақида эртак»** (рус тилида).
21.20 **Янги йил концерти.**
23.00 **«Дўстлик қувноқ тўпқинларида».**

Иккинчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ

16.00 **«Дурдона».** Бетховеннинг 9-симфонияси.
17.05 Болалар учун. А. С. Пушкин. **«Султон подшо ҳақида эртак».** Телеспектакль премьераси.
18.10 Болалар учун. Янги мультфильмлар программаси.
19.00 «Мўз устида Гамма». Музикали калейдоскоп.
20.20 **«Цилиндр ва слипғич».**
21.30 «Ева бўлганми?» Телеспектакль премьераси.
22.45 **«Огонёк» почтасидан».**
23.30 **«Вақт»** информацион программаси.
00.15 «ТЎЛҚИНЛАРГА ОШИҚУВЧИ». Бадиий фильм.
01.50 **Музикали маяк.**

Учинчи

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

КИНО ТЕАТРЛАРДА

31 ДЕКАБРДА

Бир ёш ҳаётдан тўрт саҳифа— «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 да).

Қайғули қариндошлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА» (кечқурун).

Уйғониш — НАВОИ номли (кечқурун).

Спартак (1 ва 2-серия) —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 да).

1 ЯНВАРДА

Билагузук инки — НАВОИ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да), НАВОИ номли (эрталаб 10 да).

Бу телба дунё — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Буланна пансиони — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

2 ЯНВАРДА

Билагузук инки — НАВОИ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Аловуддиннинг сеҳрли лампаси — НАВОИ номли (эрталаб соат 10 да), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да).

Буланка пансиони — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

НАВОИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 31 XII да Масхарабозлар ва концерт бўлими. 1 II да Катта концерт. 2 II да кундуз Оқшуш нўли, кечқуруни Лайли ва Мажнун.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЙ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШ БОҒИ

(«Комсомол кўли»)

1 дан 10 январгача

ШАҲАР БОЛАЛАРИ ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИНИ

ЎТКАЗАДИ

(қишки бинода)

Арча томошаларида Ўзбекистон Давлат эстрадаси ва Ёш томошабинлар театрининг артистлари қатнашади.

Сеанслар ҳар куни эрталаб соат 9, кундуз 12, 3 ва 5 да ўтказилади.

Ташкилот, корхона ва муассасалардан 4-02-01 телефони орқали заявкалар қабул қилинади.

РЕСПУБЛИКА ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ ЗАВОДИГА

бош бухгалтер, бухгалтер-ревизор, омбор мудири, катта иқтисодчи-молиячи, инженер-механик, пойафзалчи техниклар, пойафзалчи-модельчилар, слесарлар, пойафзалчилар, дурадгорлар, ускуначиларни созловчилар

КЕРАК

Мурожаат учун: Тошкент шаҳар, Механическая кўчаси, 5-а, уй (4, 5-троллейбуслар, 21-автобуснинг «Куйбишев майдони» бекати).

Савдо ташкилотлари, шунингдек ўз менюларининг хилма-хиллигига эътибор берувчи граждан лар

ДИҚҚАТИГА!

«УЗМЯСОРИБТОРГ» РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ БАЗАСИДА ВА ХОЛОДИЛЬНИКЛАРИДА КЎП МИҚДОРДА ЯНГИ МУЗЛАТИЛГАН ТИНЧ ОКЕАН ХЕКИ, КАМБАЛА, САЙРА, ТРЕСКА ВА ЛАЗЗАТЛИ, ЮМШОҚ, ЕНГИЛ ҲАЗМ БЎЛАДИГАН ШИРАДОР ГЎШТЛИ БОШҚА ОКЕАН БАЛИҚЛАРИ БОР.

ЮҚОРИДАГИ КЎРСАТИЛГАН БАЛИҚЛАРДАН ҲАР ТУРЛИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ОВҚАТЛАР, ШУНИНГДЕК ТУРЛИ ЗАКУСКАЛАР ТАЙЁРЛАШ МУМКИН.

МАҲАЛЛИЙ КУКАТЛАР ВА ЯНГИ САБЗАВОТЛАР БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН БАЛИҚ ҲАР ҚАНДАЙ БАЙРАМ СТОЛИНИ БЕЗАШИ МУМКИН.

«Узмясорибторг» республика конторасн.



МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРнинг

1 дан 10 январгача ўтказиладиган кундузги спектакларининг

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

1 январда — ГАВҲАРИ ШАМ. ЧИРОҒ.
2 январда — МАВЛОНО МУҚИМИЙ.
3 январда — ҚАЛАМ ҚОШЛИГИМ.
6 январда — ЖОН ҚИЗЛАР.
7 январда — ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ.

Спектакллар кундуз соат 12 дан бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

ТЕЗ КУНДА

ҚИЗБУЛОҚ

(3 парда 9 қикояли фожиа)

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **ТУРОБ ТУЛА** асари.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **И. АКБАРОВ** музикаси.

Постановкачи режиссёр **А. Раҳимов,**

Дирижёр **Қ. Усмонов,**

Рассом **Т. Шораҳимов,**

Хормейстер **О. Назруллаев,**

Концертмейстерлар **А. Б. Малина ва М. А. Фурман,**

Режиссёр ассистенти **Р. Муҳитдинова.**

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1968 йил 12 январь кундуз соат 2 да, Тошкент политехника институти — химия-технология факультетининг илмий совети мажлисида (Т. Шевченко кўчаси, 1-уй) техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Л. М. Ёқубов: «Сузок мухитлардаги технологик процессларга ультратовуш таъсирини текшириш (ультратовуш ёрдамида тозалаш, эмульсия ва дисперсион муҳит ҳосил қилишга доир)» деган темада

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Навоий кўчаси, 13-уй).

1968 йил 18 январь кундуз соат 2 да В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия фанлари бўйича илмий даражалар бериш илмий совети мажлисида (Университет кўчаси, Студентлар шаҳарчаси, химия факультети, кутубхона залида) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

У. Т. Матенубова: «Сирт таранглиги ўлчамларини ишлаб чиқаришда контроль мақсадлар учун қўлланиши» деган темада

Г. А. Бродская: «Фенилаланин ва тирозин судли эритмаларнинг радиолизи» деган темада

Диссертацияларни билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

ТУРАР ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ТИПОВОЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ ЛОЙИҲАСИ ЗОНАЛЬ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА (ТашЗНИИЭП)

мустақил баланс ишларига катта бухгалтер

КЕРАК

Квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Аброр Ҳидоятов кўчаси (49-автобуснинг «Институт» бекати).

КАБЕЛЬ ВА РАДИОРЕЛЕЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ТЕХНИКА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ишлаш учун катта инженер-энергетик, катта бухгалтер, бухгалтер, алоқа инженерлари ва техниклари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28-а уй (Алоқа лойиҳаси институти биносида), кадрлар бўлими. Телефонлар 4-14-87, 4-27-84.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладики

ЭЛЕКТР УЧУН

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб тегишли пулни Давлат банкининг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вақт учун

ҚАРЗЛАРИ БЎЛГАН

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса электр оғоҳ қилинмасдан узиб қўйилади.

«УЗВОДСТРОЙИНДУСТРИЯ» ТРЕСТИГА

бош бухгалтер (саноат ҳисоби билан таниш бўлган), **катта бухгалтер, план бўлими бошлиғи ўринбосари, катта иқтисодчи, иқтисодчи-а р, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш саноати билан таниш бўлган инженерлар ва катта инженерлар, машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 8-уй, 2-қават, 13-хона.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 83-02-49 дан 83-02-58 гача, редактор ўринбосарлари — 83-29-38; 83-29-09; масъул секретарлар — 83-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 83-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 83-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 83-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 83-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 83-27-57; ахборот бўлими — 83-65-57; эълонлар бўлими — 83-81-42.

31 ДЕКАБРЬ, 1967 И. Р. 02440 Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3095.